
УЧИНЧИ СЕКТОРДА

Халқ депутатлар Фарғона туман Кенгаши XI сессияси қарорлари ҳаётга тадбиқ этилмоқда.


Бандликни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш долзарб вазифа. Бугунги кунда аҳолини камбағалликдан чиқаришда кўрилаётган чораларнинг кўпчилиги муваққатлиги якун топмоқда. Туман ҳокими Шуҳратжон Мўминов ташабbusлари билан бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун Фарғона туманидаги 4та сектор раҳбарлари ўз ҳудудларидағи бўйича амалга оширилаётган катта-катта лойиҳалар, кўрилаётган чора-тадбирларни ўз назоратларига олганлар. Улар Статистик маълумотларга эмас ҳақиқий аҳволни ўз кўзлари билан кўриб, хонадонма-хонадон юриб ҳақиқий аҳволга баҳо бермоқдалар.

Фахриддин Хайтов раҳбарлик қилаётган З-секторида ўрганишлар натижасида 543 та эҳтиёжманд ва кам таъминланган оила мавжудлиги аниқланди. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, туман аҳоли сонига нисбатан камбағаллик даражаси 8 фоизни ташкил этади.

Суратда: З-сектор раҳбари, туман ИИБ бошлиғи Фахриддин Хайтов “Марказ” МФЙ, “Матонат” кўчаси 115-уйда яшовчи Фаррухбек Абудусижобовнинг “Миндон зиё” оиласи корхонасида ташкил этилган иссиқхоналарни кўздан кечирмоқда.





Жорий йил бошидан ҳозирга қадар ишлаб чиқилған чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, амалға оширилған ишлар натижасыда ахоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартырыш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қўйилгани ҳозирги оғир вазиятда ахолининг

мустаҳкам ижтимоий ҳимоясини таъминлашга йўл очмоқда.

Аксарият камбағал оиласарда меҳнатга лаёқатлилар бор. Улар ишга жойлаштирилса, бу ўз-ўзидан оиласар даромади ошишига хизмат қилади. Шу тариқа оила камбағалчиликдан чиқади, ахолининг турмуш даражаси ошади. З-секторда 274 та фуқароларни эҳтиёжманд ва камбағал оиласарнинг бандлигини таъминланиб, яшаш турмуш даражасини яхшиланганлиги сабабли “Темир дафтаридан” чиқарилди.

Йигирмадан ортиқ оиласага субсидия асосида ер тақсимланиб берилган бўлса, ўндан оиласа иссиқхона, бир неча хонадонларга уруғ ва кўчатлар етказиб берилди ҳамда ҳозиргача 10 та оиласар жўжа боқишига жалб этилди..

- Ёш оила бўлишимизга қарамасдан, мен ва турмуш ўртоғим ишсизмиз. Шу сабабли кичик томорқамизда деҳқончилик билан машғулмиз, - дейди тумандаги миндонлик вақтинча ишсиз Фаридахон Ҳошимова. – Иқтисодий етишмовчилик туфайли иссиқхона қуришга қурбимиз етмасди. Туман ИИБ ходимлари кўмагида томорқамизда иссиқхона барпо этдик. Айни пайтда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, томорқамиздан мўл ҳосил олиш ҳаракатидамиз.

Учинчи секторда камбағалликни қисқартириш борасида ҳудуд бўйлаб кенг қўламли самарали ишлар давом этмоқда.

Фарғона тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-08-07 15:03:04